



ФРАНЦУЗ ВА УЗБЕК МАҚОЛЛАРДА МЕТЕОНИМЛАР

Ҳамидова Муборак Ҳафизовна

БухДУ Француз филологияси кафедраси доценти.

m.h.xamidova@buxdu.uz

Ибодова Дилнавоз

БухДУ магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7962338>

Annotation: The article focuses on the names of deopoetonyms - natural phenomena mentioned in the poems of the Uzbek poet . The poet's poems speak about the artistic and methodological possibilities of deopoetonyms. Their symbolic nature is defined

Key words: nature, naturalphenomena, depoetonym, fog, dew, symbol, emblem

Аннотация: В статье основное внимание уделяется названиям деопоэтонимов – явлений природы, упоминаемых в стихах узбекского поэта. Стихи поэта говорят о художественно-методологических возможностях деопоэтонимов. Их символическая природа определяется,

Ключевые слова: природа, явления природы, депоэтоним, туман, роса, символ, эмблема.

Ёғиши ҳаракатини билдирувчи лексемалар ҳар бир тилнинг лексик тизимида алоҳида микромайдон (луғавий-маъновий гуруҳ)ни ташкил қиласиди.¹

Ёмғир сўзини бадиий матнларда деопоэтоним сифатида кўп учратиш мумкин. Жумладан, қатор мақолларда унинг гоҳ ўз маъносига, гоҳ кўчма маънода қўлланиб келгани кузатилади.

Ёз ёмғири ёндан ўтар,
Қиши ёмғири – жондан.
(Les pluies d'été passent,
Les pluies d'hiver passent).

Ушбу ўзбек мақолида қўлланган “ёз ёмғири” ва “қиши ёмғири” бирикмалари орқали ёмғирнинг мавсумий турлари борлиги, уларнинг ўзига хослиги англашилмоқда. Одатда, халқ ёз ёмғирини бемаҳал ёққан ёмғир сифатида хушламайди. Буни қуйидаги мақол ҳам қўрсата олади:

Ёзниңг ёмғиридан қўрқ,
Қишинг – қировидан.
(Craignez la pluie d' été,

¹ Вакқосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фан. номз ... дис. автореф. – Фарғона, 2005. – 22 б.; Алиқулов А.Ф. “Ел-ёғин” луғавий-маъновий гуруҳи (тизими, қўлланилиши ва лексикографик талқини): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 19 б.





THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



Gel d'hiver).

Ёки:

Жавзодаги ёмғирдан, илон ёғса яхши.

(C'est mieux si un serpent pleut de la pluie sous la pluie).

Мақолларда бундай дейилишига сабаб шуки, бемаҳал ёққан ёз ёмғири экинларга шира тушириб юборади. Ёмғирнинг фойдалы томони билан бирга шундай зарарли томонлари ҳам борлиги боис тилимизда “ёмғир заҳри” ибораси ҳам учрайди.

Ёз ёмғири лой бўлмас,

Ўғри асло бой бўлмас.

Ёз фаслида ёғадиган ёмғир ҳавонинг иссиқлиги сабабли ерга тез сингиб кетиб, лойлик ҳосил қила олмайди. Мана шуни назарда тутиб, юқоридаги мақолда мазкур табиий ҳодисага ўхшаш ижтимоий ҳаётга оид бошқа бир ҳодиса, яъни ўғрилик туфайли қўлга киритилган бойликнинг самарасизлиги билдирилмоқда. Ҳар иккаласининг ўтқинчилигига эътибор қаратилмоқда.

Ёмғир ҳодисасига боғлаб яратилган “Ёмғир – экиннинг жони” (L'âme de la pluie) мақоли орқали ёмғир сувига тўйинган экинларнинг баравж ва ҳосилдор бўлиши таъкидланмоқда. Шунинг учун ҳалқ орасида бу ҳақда яна “Ёмғир ёғса –ернинг бахти” (Bonheur de la terre quand il pleut) деган мақол ҳам учрайди.

Ёмғир ёғиши ўрнига қараб чўл ёмғири, тоғ ёмғири бўлиши мумкин. Шунга кўра, мақолларда ҳам уларнинг ўзаро фарқланиши кузатилади:

Тоққа ёғса, гул обод

Чўлга ёғса, эл обод.

(Si la montagne tombe le désert tombe prospérera).

Куйидаги мақолларда ёмғир сўзини ўз маъносидан ташқари қўпроқ қўчма маънода тушуниш мумкин:

Ойда-йилда бир бозор, униям ёмғир бузар.

Ёки:

Ўтган булутдан ёмғир кутма.

Ушбу мақолларнинг биринчисида ёмғир сўзи кутилмаган кўнгилсизлик, ур-тўполнон маъноларини, иккинчисида эса саховат ва мурувват тушунчаларини англатиб келган.

Ёмғир сўзини жола (форсча шудринг; қўз ёши маъноларида қўлланувчи сўзга) синоним сифатида ҳам қўллайдилар.



THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



Маълумки, ёмғир – градуномик ҳусусиятли сўз. У ёғиши кучи ва шиддатига қараб, кучли ёмғир, шиддатли ёмғир, қаттиқ ёмғир, майин ёмғир, сим-сим ёмғир каби қўринишларда даражаланади. Шунга қўра унинг кучли даражалари **сел, жала, дўл** каби номлар билан атаб келинади. Бу сўзларни ҳам ўзбек халқ мақолларида қўплаб учратиш мумкин:

Томчи – СЕЛ БЎЛМАС,
Душман – ЭЛ БЎЛМАС.

Қордан қутулиб, ёмғирга тутулмоқ.
Ёмғирдан қочиб, дўлга тутилмоқ,

Қадимги инсонлар ёмғир ҳодисасини “Обираҳмат” деб, яъни Яратганинг инсонларга мўъжизавий туҳфаси сифатида қарашган. Форсча “об” ва арабча “раҳмат” сўзларининг изофа орқали бирикувидан ташкил топган бу бирикма форс-тожик тили орқали тилимизда ўзлашган бўлиб, содда сўз сифатида қўлланади, ясама сўз ҳисобланмайди. У орқали хайрбарака суви; баҳор ёмғири, раҳмат ёғдириувчи сув маънолари англашилади.

Кун чиқиб туриб, ёмғир ёғаётганда, одатда, “**Бўри түғди (ёки болалади)**” ибораси тилга олинади.²

Одамлар ёғинсиз, қурғоқчилик кунларидан чўчишган. “Қирқ кун қурғоқ ёки қирқ кун сирғоқ” кунларидан, яъни серёмғир вақт – сирғоқдан ҳам қўрқиб, турли иримларга амал қилишган. “Суст хотин” сингари ёмғир чақириш маросимларини ўтказишиган.³

Хулоса қилиб айтганда, ёмғир ва унинг даража турлари номи қатнашган мақоллар алоҳида маъновий гуруҳни ҳосил қиласди. Улар халқнинг ёғин турлари, ёғин ҳаракати, кучи, меҳнат фаолиятига таъсири борасида йиққан билим ва тажрибалари, ҳукмларини ўзида мужассамлантиргани билан эътиборни тортади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Umarqulov Abror. French is another door to the world's scientific and cultural heritage // <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/olii-talim/1756.htm>
- 2 Vaqqosova D.V. Semantic analysis of anemonyms in Uzbek language: Philol. fan. nomz ... dis. avtoref. - Fergana, 2005. - 22 p.;
- 3.Aliqulov A.G. Lexical-spiritual group "El-Yagin" (system, application and lexicographic interpretation): Philol. fan. nomz. ... diss. avtoref. - Tashkent, 2011. - 19 p.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.495.

³ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 316 б.





THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



4. Annotated dictionary of the Uzbek language. 5 volumes. Volume 1 - T .: "National Encyclopedia of Uzbekistan" State Scientific Publishing House, 2007. - P.495.
5. Sarimsoqov B. Uzbek ceremonial folklore. - T .: Fan, 1986. - 316 p.
6. Ulugbek Hamdam. I don't know why I am ... / The old world and the new me: don't choose. - T .: New Age Generation, 2018. - P.170.
7. Ulugbek Hamdam. When it snows ... (Talk) / Old world and new me: selection. - T .: New Age Generation, 2018. - P.170.
8. Khamidova Muborak Khafizovna. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY, 67.
9. DEOPOETONYMS. Khamidova Muborak Khafizovna. Teacher of department of German and French languages, BSU. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА.
10. N.B.Kuldasheva. (2023). LE TERME ET LA TERMINOLOGIE. Innovative development in educational activities, 2(6), 41–52.
11. Khamidova, M. K. (2020). Artistic application of depoethonyms in french and uzbek poetry. Scientific reports of Bukhara state university.

